# 2-МАВЗУ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

# РЕЖА

2.1. Эҳтиёжлар, уларнинг туркумланиши. Эҳтиёжлар юксалиши қонуни.

2.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни

2.3 Ишлаб чиқариш омиллари.

2.4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.


Маънавий
Шахсий
Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар
Эҳтиёжларни истеъмол қилиш тавсифига кўра
Моддий
Эҳтиёжлар
Ишлаб чиқариш
Бирламчи эҳтиёжлар
Иккиламчи эҳтиёжлар
Якка
Гуруҳий
Ҳудудий
Умумжамият эҳтиёж-лари
Биргаликда қондирилувчи эҳтиёжлар


Иқтисодий фаолият
Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)
Тақсимлаш
Айирбошлаш
Истеъмол

# Ишлаб чиқариш

**Кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган ҳаётий неъматлари ва бойликларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалга ошадиган фаолиятдир.**

**Ишлаб чиқариш ҳар доим ижтимоий тавсифга эга ва шу билан бирга инсоният жамияти тарихий ривожланишнинг натижасидир.**

**Яратилган маҳсулотнинг ашёвий-буюм шаклига кўра ишлаб чиқариш қуйидаги турларга ажиратилади.**

# Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи




| Маҳсулот тури | Муқобил вариантлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | A | B | C | D | E |
| Нон (млн. дона) | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Тегирмон (минг дона) | 10 | 9 | 7 | 4 | 0 |

**Моддий ишлаб чиқариш – моддий кўринишга эга бўлган неъматлар ва бойлик ишлаб чиқарадиган тармоқлар ҳамда соҳалардан иборат. Булар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ўрмон хўжалиги каби тармоқлардир.**

**Номоддий ишлаб чикариш – моддий кўринишга эга бўлмаган, лекин жамият учун зарур бўлган маънавий неъматлар яратадиган ва хизматлар кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Булар транспорт, алоқа, савдо, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш каби соҳалардир.**

**Яратилган маҳсулотнинг истеъмол қилиш хусусиятга кўра моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам иккига ажратилади:**

**Ишлаб чиқариш воситалари, яъни инвестицион товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар.**

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар.

**Айирбошлаш шакллари**

**Маҳсулот айирбошлаш** - бунда маҳсулот бошқачасига маьлум микдорий нисбатларда айирбошланиб, у бартер айирбошлаш дейилади.

**Товар айирбошлаш** – бунда маҳсулот (хизмат) лар пул воситасида, олди-сотди йўли билан айирбошлаш қилинади.

**Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва иқтисодий ресуслар тақсимлаш жараёнида ўтади. Маҳсулот тақсимланиши натижасида ундаги ишлаб чиқарувчилар, мулк ва ресурс эгалари ҳамда давлат улуши аниқланади. Иқтисодий ресурслар мамлакат худудлари ва корхоналари ўртасида уларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда тақсимланилади.**

**Истеъмол ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш жараёнини англатади. Истеъмол икки турга ажратилади:**

**Шахсий истеьмол – бунда истеьмол товарлари ва хизматлар бевосита истеъмол қилинади.**

**Ишлаб чиқариш истеъмоли - иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш жараёнида унинг омилларига айланади ва маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.**

# Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши



Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар учта омил бўлиши шарт. Булар:

**Ишчи кучи**

инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси

**Меҳнат қуроллари**

инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар

**Меҳнат предметлари**

бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар

# «Сиёсий иқтисод» дарсликларида:



Вақтни тежаш қонуни – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши билан жамият томонидан ҳаётий неъматлар бирлигини яратишга сарфланаётган вақтнинг қисқариб боришини ифодаловчи умумий иқтисодий қонун.

Вақтни тежаш ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий ресурсларини умумлаштирувчи даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай тежам охир-оқибатда вақтни тежашга бориб тақалади.

Вақтни тежаш қонунининг мазмуни жонли ва буюмлашган меҳнатни, яъни муайян даврда сарфланган иш вақти жамғармаси ҳамда ўтган даврлардаги иш вақти сарфларининг натижасини тежашни ўз ичига олади.

# Ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг кўрсаткичлари ва омиллари

**Ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг кўрсаткичлари ва омиллари**

**Ишлаб чикариш функцияси**

**Ишлаб чикариш омиллари унинг натижалари ўртасидаги боғлиқликларни ифодалайди.** Бу боғлиқликларни куйидагича кўрсатиш мумкин.
M=Σ(K; Uk;E), бу ерда,
M-маҳсулот хажми;
K;Uk;E-қўлланилган капитал, ишчи кучи ва ер микдори.
Ишлаб чиқариш функцияси бир ёки бир неча омил миқдори ўзгарганда ишлаб чиқариш хажми қандай ўзгаришини кўрсатади..

**Самарадорлик-нинг асосий кўрсаткичлари**

Самарадорлик – бу натижа харажат нисбатидир. Самарадорлик ишлаб чиқариш пировард натижасининг қилинган ресурс харажатларига нисбатан фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади.

Фойда нормаси (P), яъни олинган фойданинг (P) иқтисодий ресурс харажатларига (U) нисбати

P=P\U 100.